

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХОНОВ АЛАВИДДИН ШОХЎЖАЕВИЧ

ИССИҚЛИК ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНУВЧИ
ГИПЕРТИРЕОЗДА ҚОН ИВИШ ТИЗИМИ ВА РЕОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (экспериментал тадқиқот)

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of medical science (PhD)

Хонов Алавиддин Шохўжаевич

Иссиқлик шароитида ривожланувчи гипертиреозда

қон ивиш тизими ва реологик хусусиятлари

(экспериментал тадқиқот) 3

Хонов Алавиддин Шохўжаевич

Система свертывания крови и реологические свойства

при гипертиреозе, развивающемся в жарких условиях

(экспериментальное исследование)..... 27

Khanov Alaviddin SHakhojayevich

Blood coagulation system and rheological properties

in hyperthyroidism developing in hot conditions

(experimental study) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХОНОВ АЛАВИДДИН ШОХЎЖАЕВИЧ

ИССИҚЛИК ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНУВЧИ
ГИПЕРТИРЕОЗДА ҚОН ИВИШ ТИЗИМИ ВА РЕОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (экспериментал тадқиқот)

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2816 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Камолиддин Ҳакимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сайфуллаева Саида Акрамжановна
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим
Карабаев Аминжон Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» «_____» куни тарқатилди.
(2024 йил «___» «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги бир марталик илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда гравес касаллигини аниқлаш частотаси йилига 100 минг аҳолига 30 дан 200 гача янги ҳолатларни ташкил этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...кўпинча, ўрта ва катта ёшдаги беморларда қалқонсимон безнинг гиперфункцияси касалликлари мавжуд, тиреотоксикознинг тарқалиши 0,2% (NHANES III) дан 3,9% гача (Framingham Heart Study), кўпинча аёлларда (Whickham survey), қарияларда 15% учрайди...»¹. Йод танқислиги бўлган ҳудудларда қалқонсимон безнинг тугунли ва кўп тугунли зоб фонида юқори тарқалиши кузатилиб, учраш частотаси гипертиреоз барча сабабларининг 60% ни ташкил қилади. Қалқонсимон безнинг (ҚБ) функционал фаоллиги гематопоз органларининг ўзгаришига олиб келади. Ҳозирги вақтда гемостазнинг тромбоцитик алоқасининг агрегацион фаоллигини баҳолаш учун лаборатория амалиётида умумий қабул қилинган усул агрегатометрия ҳисобланади. Гипотирозидизмда гемостазнинг бузилиши тироид гормонларининг етишмаслиги билан боғлиқ, аммо механизмлар ҳали аниқланмаган. Периоператив орган шикастланиши учун муҳим бўлган яллиғланиш ҳужайралари сифатида тромбоцитлар сонининг кўпайиши сезиларли даражада қайта баҳолашни талаб қилади. Организмга умумий ҳаддан ташқари иссиқ иқлимнинг таъсири турли босқичларда бир марталик гипертермик таъсирга жавобан гемостаз тизимининг жавоб характерини, гипертермиядан кейинги даврда гемостаз тизимининг ҳолатини баҳолаш, шунингдек, гемостаз тизимининг адаптацион ўзгаришларини шакллантириш имкониятини беради ҳамда ташқи иссиқлик таъсирида гемостаз тизимини ўрганиш долзарб ва мақсадга мувофиқлигини англатади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, иссиқлик шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреознинг ривожланиш хусусиятларини баҳолаш бугунги кунда фундаментал тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда гипертиреоз касаллигининг ривожланиш хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада тажрибавий гипертиреозда гемостаз тизими коагуляцион параметрлари ўзгаришларни, гипертиреозда қалқонсимон без структур ўзгаришларни ҳамда организмнинг функционал бузилишларининг патогенетик алгоритмининг тузишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли омиллар таъсирида юзага келадиган соматик касалликларни бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини

¹ Марусенко, И.М. Тиреотоксикоз и фибрилляция предсердий / И.М. Марусенко, Е.Г. Петрова // Рациональная фармакотерапия в кардиологии. – 2017. – Т. 13, № 3. – С. 398-402.

яхшилаш....»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда иссиқ иқлим шароитида ривожланувчи тажрибавий гипертиреозни баҳолашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётда мавжуд бўлган кўплаб маълумотларга қарамай, тажрибавий гипертиреознинг иссиқ иқлим шароитида кечилишининг кўп жиҳатлари тўлиқ очиқ берилмаган. Буларнинг барчаси биргаликда ўрганилаётган муаммонинг долзарблигини белгилайди. Тажрибавий шароитда гипертиреозда қалқонсимон без структур ўзгаришларини келтириб чиқаришда кўп қўлланиладиган моделларга: Экспериментал биология ва тиббиёт учун қалқонсимон безнинг патологик ҳолатлари моделларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, бу кўплаб илмий тадқиқотлар билан тасдиқланган. (Камилов Ф.Х., 2017). Қалқонсимон беzi гипофунксиясида без склерози индекси, фолликулалар диаметри, шунингдек фолликуляр коллоид индексининг пасайиши, янги ҳосил бўлган фолликулалар сони, тироцитлар баландлиги, интенсивлиги пасайиш билан бирга эканлиги исботланган (Сергеева К.А. ва бошқ., 2017). Қалқонсимон безларнинг жарроҳлик материални гистологик ва иммуногистокимёвий ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш натижасида диффуз токсик зобда қалқонсимон безнинг гистологик тузилишини тироид эпителийсининг функционал фаоллиги папиляр пролиферация, лимфоид инфилтрация даражасига ва экстрафолликуляр эпителий ҳолатига боғлиқлигини аниқланган (Боташева В.С., Лавриненко А.А., Байрамкулова А.Х., 2021). Қалқонсимон без гормонларининг етарли даражада ишлаб чиқарилмаслиги (гипотироидизм) ёки қалқонсимон гормонларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши (гипертироидизм) сифатида намоён бўлиши мумкин бўлган қалқонсимон без дисфункциясида юрак-қон томир тизимига бир қатор салбий таъсир

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

кўрсатиши, шу жумладан миокард қисқаришининг бузилиши, қон томир тонусининг бузилиши, қон босимининг ўзгаришини аниқланди (Чаулин А.М., Григориева Ю.В., 2021). Шунинг таъкидлаш керакки, иссиқ уриши натижасида ҳосил бўлувчи организм интоксикацияси эритроцитлар гемолизи, микротомирлар деворларининг ўтказувчанлигини ошириши, гемостазнинг бузилиши: қон ёпишқоқлигининг ошириши, тизимли гиперкоагуляция, микротромбоз ва ДВС синдроми ривожланиши, микрогемодинамика бузилишига олиб келади (Николаев В.Ю., 2016).

Ўзбекистонда турли омиллар таъсирида қалқонсимон без касалликларнинг ўзгаришларнинг патоморфологик ва реологик кўрсаткичларни эрта ташхислаш ва даволаш механизмларни ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий ишлар олиб борилмоқда (Б.У.Ирискулов 2011; 2021), бироқ, иссиқ иқлим шароитида тажрибавий гипертиреозни баҳолаш тартиби такомиллаштирилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда иссиқ иқлим шароитида тажрибавий гипертиреозда гемостаз тизими коагуляцион параметрларида юзага келадиган ўзгаришлар, қалқонсимон безнинг структур ўзгаришлари ва организмнинг функционал бузилишларининг патогенетик баҳолаш тартибининг алгоритми яратилмаганлиги мазкур муаммони ўрганишга бағишланган тадқиқотларни ўтказилишини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1100153 «Ички аъзоларнинг структуравий ва функционал хусусиятларини, уларнинг ангиоархитектоникасини турли ёш давларида нормал ва турли омиллар таъсирида ўрганиш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иссиқ иқлим шароитида ривожланувчи тажрибавий гипертиреозда қалқонсимон без структур-функционал ҳолатига боғлиқ равишда гемостаз тизими, қон реологик хусусиятлари ҳамда шаклий элементлари микдор ўзгаришларини динамикада баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нормал ва иссиқ иқлим шароитида ривожланувчи тажрибавий гипертиреоз динамикасида қон шаклий элементлари микдорий ўзгаришларини қиёсий баҳолаш;

иссиқ иқлим шароитидаги тажрибавий гипертиреоз динамикасида гемостаз тизими ҳамда қон реологик хусусиятлари ўзгаришларини динамикада баҳолаш;

иссиқ иқлим шароитидаги тажрибавий гипертиреоз динамикасида гипофизар-тироидаль регуляциянинг ўзига хос хусусиятларни аниқлаш;

иссиқ иқлим шароитидаги тажрибавий гипертиреоз динамикасида қалқонсимон без структуравий ўзгаришларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2023 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси олий ўқув юртлараро марказий илмий тадқиқот лабораториясининг токсикология ва фармакотерапия лабораториясида ошқозонга Л-тироксинни киритиш йўли билан гипертиреоз чақирилган 130-180 грамм оғирликдаги 96 та оқ зотсиз эркак қаламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида иссиқлик шароитида ривожланувчи

гипертиреозда қон ивиш тизими ва реологик хусусиятларини баҳолаш учун оқ зотсиз эркак каламушлар қалқонсимон безидан тайёрланган гистологик препаратлар ҳамда қон материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда иссиқлик шароитида ривожланувчи гипертиреозда қон ивиш тизими ва реологик хусусиятларини баҳолаш учун тажриба, физиологик, морфологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқ иқлим шароитида гипертиреоз динамикасида нормал иқлимдаги ўзгаришларга нисбатан тромбоцитлар миқдорининг кескин ортиши, қон шаклий элементларининг сифат жиҳатдан ўзгариши, яъни нейтрофилларда токсоген доначаларнинг ҳосил бўлиши асосланган;

иссиқ иқлим шароитида тажрибавий гипертиреоз динамикасида гемостаз тизимда гиперагрегациянинг кузатилиши, қоннинг реологик хусусиятларининг қовушқоқлигининг ошиши, шунингдек, силжиш тезлигининг пасайишига олиб келадиган механизмлар иссиқ иқлимда организмнинг сувсизланиш жараёнларининг жадаллашиши ва метоболик парчаланиш жараёнларининг ҳаддан ташқари кучайиши натижаси эканлиги исботланган;

иссиқ иқлим шароитида тажрибавий гипертиреозда нормал иқлим шароитидаги гипертиреоздан фарқли ўлароқ гипофизар-тироидал регуляцияси бузилганлиги, яъни ТТГ ва Т3, Т4 лар орасидаги мувозанат издан чиқиб, бу қалқонсимон без функциясида гипофизар «акс-алоқа» бошқарилувида гипофиз ролининг ҳамда токсик моддалар таъсирида гипофизда тироид гармонларга нисбатан сезувчанлик сусайганлиги асосланган;

фаол секретор хужайралар ва Сандерсон ёстикчалари пайдо бўлиши иссиқ иқлим шароитида структуравий ўзгаришларни янада жадаллаштирадиган безларнинг гиперфункциясига боғлиқ равишда келиб чиқиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тажрибада иссиқ иқлим шароитида Л-тироксинли гипертиреоз динамикасида қон шаклий элементлари миқдорий ҳамда сифатий ўзгаришларининг нормал иқлим шароитидаги ўзгаришлари билан ўзаро фарқлари қиёсий тавсифи кўрсатилиб, бунда даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда нафақат токсик моддаларнинг таъсири, балки иссиқ иқлимнинг патоген таъсирини ҳам ҳисобга олиб ёндашиш лозимлиги кўрсатилган;

тажриба шароитида Л-тироксинли гипертиреоз патогенезида гемостаз тизимининг коагуляцион оқсиллар миқдорлари ортиши ва тромбоцитар омиллари роли спонтан ва индуцирлаш орқали ҳамда улар нормал иқлимга нисбатан иссиқ иқлимда организмнинг сувсизланиш жараёнлари жадаллашуви натижасида ҳамда метоболик парчаланиш ҳаддан ташқари кучайганлиги ва ушбу патологияда қоннинг физик хусусияти, яъни реологиясидаги ўзгаришлар нормал иқлимдаги билан қиёсланган;

иссиқ иқлим шароитида кечувчи тажрибавий гипертиреоз модели орқали ушбу патологияда нормал иқлимдаги гипертиреоздан фарқли ўлароқ гипофизар-тироидал регуляция, яъни «акс-алоқа» механизми сусайганлиги

кўрсатилиб, ушбу патология ташхисотида юқоридаги ҳолатни ҳисобга олиш лозимлиги назарий асосланган;

нормал иқлим шароитида ривожланувчи тажрибавий гипертиреоз динамикасида қалқонсимон без функционал ва структуравий ўзгаришлар патоген омил таъсири бартараф этилгач орқага қайтганлиги кузатилган бўлса, иссиқ иқлимда эса ушбу жараёнларнинг янада жадаллашуви кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган тажриба, физиологик, морфологик, физик, биокимиёвий ва статистик тадқиқот усуллар асосида иссиқлик шароитида ривожланувчи тажрибавий гипертиреознинг ривожланиш хусусиятларини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқишнинг ўзига ҳослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқ иқлим шароитида кечувчи тажрибавий гипертиреоз динамикасида қалқонсимон безнинг нафақат токсик шикастланиши, балки патология ривожланишида иссиқ иқлимдан кейин ривожланувчи организм сувсизланиши ёки иссиқ иқлимдаги метоболик жараёнларнинг кучайишидан ҳосил бўлган оралик моддалардан организмнинг шикастланиши, қон тизимида эса унинг шакли элементлари миқдорий ва сифатий ўзгаришлари, плазма қисмининг ўзгаришлари, қоннинг реологик бузилишларининг чуқурлашуви тизимли тарзда ёритиб берилган ҳамда гипофизар-тироидал регуляциянинг бузилганлиги, без функциясида гипофизар бошқарилувнинг издан чиқаётганлиги натижасида ўзаро номутаносиблик юзага келганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу патология ривожланишида ташхислаш, даволаш чора-тадбирларида иссиқ иқлимнинг ўрни, хасталикнинг патогенезида етакчи омил сифатида организмнинг сувсизланиши ҳамда иссиқ иқлимда биокимиёвий жараёнларнинг кучайиши, тироидал гармонлар таъсирида организмда катоболик жараёнлар устун туриши ҳамда организмда АТФ етишмовчилиги патогенетик асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқлик шароитида ривожланувчи гипертиреозда қон ивиш тизими ва реологик хусусиятларни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: иссиқ иқлим шароитида гипертиреоз динамикасида нормал иқлимдаги ўзгаришларга нисбатан тромбоцитлар миқдорининг кескин ортиши, қон шаклий элементларининг сифат жиҳатдан ўзгариши, яъни нейтрофилларда токсоген доначаларнинг ҳосил бўлиши асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 5 декабрда 38-сон билан тасдиқланган «Иссиқлик шароитида ривожланувчи гипертиреозда қалқонсимон беги морфофункционал ҳамда тромбоцитлар агрегацияси параметрларининг ўзгаришларини динамикада баҳолаш усули»

номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 04.01.2024 йилдаги 4-сон ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўйича 18.01.2024 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/95-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* иссиқ иқлим шароитида кечувчи тажрибавий гипертиреоз динамикасида қоннинг шаклли элементлари, айниқса тромбоцитлар миқдорларининг нормал иқлимдаги ўзгаришларидан кескин ортиб кетишини юзага келтиришни бартараф қилиш орқали организмдаги функционал тузилмалаларни ўзгаришини олдини олиш таъминлаш ҳамда тромблар ҳосил бўлиши натижасида полиорган етишмовчилиглари олддини олишга сабаб бўлувчи профилактик ва даволаш чора-тадбирлари учун фундаментал асос сифатида хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш орқали ташхислашни яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 112000 сўм бюджет маблағлари касалликни эрта ташхислаш ҳамда асоратларни олдини олиш, организмнинг кескин шикастланиши натижасида юзага келган ўзгаришларни тиклаш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: иссиқ иқлим шароитида тажрибавий гипертиреоз динамикасида гемостаз тизимда гиперагрегациянинг кузатилиши, қоннинг реологик хусусиятларининг қовушқоқлигининг ошиши, шунингдек, силжиш тезлигининг пасайишига олиб келадиган механизмлар иссиқ иқлимда организмнинг сувсизланиш жараёнларининг жадаллашиши ва метоболик парчаланиш жараёнларининг ҳаддан ташқари кучайиши натижаси эканлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 5 декабрда 38-сон билан тасдиқланган «Иссиқлик шароитида ривожланувчи гипертиреозда қалқонсимон беши морфофункционал ҳамда тромбоцитлар агрегацияси параметрларининг ўзгаришларини динамикада баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 04.01.2024 йилдаги 4-сон ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўйича 18.01.2024 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/95-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* иссиқ иқлим шароитида кечувчи тажрибавий гипертиреоз динамикасида қоннинг шаклли элементлари, айниқса тромбоцитлар миқдорларининг нормал иқлимдаги ўзгаришларидан кескин ортиб кетишини юзага келтиришни бартараф қилиш орқали организмдаги функционал тузилмалаларни ўзгаришини олдини олиш таъминлаш ҳамда тромблар ҳосил бўлиши натижасида полиорган етишмовчилиглари олддини олишга сабаб бўлувчи профилактик ва даволаш чора-тадбирлари учун фундаментал асос сифатида хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш орқали ташхислашни яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 112000 сўм бюджет маблағлари касалликни эрта ташхислаш ҳамда асоратларни олдини олиш, организмнинг кескин шикастланиши натижасида юзага келган

Ўзгаришларни тиклаш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: иссиқ иқлим шароитида тажрибавий гипертириозда нормал иқлим шароитидаги гипертириоздан фарқли ўлароқ гипофизар-тироидал регуляцияси бузилганлиги, яъни ТТГ ва Т3, Т4 лар орасидаги мувозанат издан чиқиб, бу қалқонсимон без функциясида гипофизар «акс-алоқа» бошқарилувида гипофиз ролининг ҳамда токсик моддалар таъсирида гипофизда тироид гармонларга нисбатан сезувчанлик сусайганлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 5 декабрда 38-сон билан тасдиқланган «Иссиқлик шароитида ривожланувчи гипертиреозда қалқонсимон беzi морфофункционал ҳамда тромбоцитлар агрегацияси параметрларининг ўзгаришларини динамикада баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 04.01.2024 йилдаги 4-сон ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўйича 18.01.2024 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/95-сон хулосаси).

Ижтимоий самарадорлиги: иссиқ иқлим шароитида кечувчи тажрибавий гипертиреоз динамикасида қоннинг шаклли элементлари, айниқса тромбоцитлар миқдорларининг нормал иқлимдаги ўзгаришларидан кескин ортиб кетишини юзага келтиришни бартараф қилиш орқали организмдаги функционал тузилмаларни ўзгаришини олдини олиш таъминлаш ҳамда тромблар ҳосил бўлиши натижасида полиорган етишмовчиликларини олдини олишга сабаб бўлувчи профилактик ва даволаш чора-тадбирлари учун фундаментал асос сифатида хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш орқали ташхислашни яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 112000 сўм бюджет маблағлари касалликни эрта ташхислаш ҳамда асоратларни олдини олиш, организмнинг кескин шикастланиши натижасида юзага келган ўзгаришларни тиклаш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: фаол секретор хужайралар ва Сандерсон ёстиқчалари пайдо бўлиши иссиқ иқлим шароитида структуравий ўзгаришларни янада жадаллаштирадиган безларнинг гиперфункциясига боғлиқ равишда келиб чиқиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 5 декабрда 38-сон билан тасдиқланган «Иссиқлик шароитида ривожланувчи гипертиреозда қалқонсимон беzi морфофункционал ҳамда тромбоцитлар агрегацияси параметрларининг ўзгаришларини динамикада баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 04.01.2024 йилдаги 4-сон ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўйича 18.01.2024 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/95-сон хулосаси).

Ижтимоий самарадорлиги: иссиқ иқлим шароитида кечувчи тажрибавий гипертиреоз динамикасида қоннинг шаклли элементлари, айниқса тромбоцитлар миқдорларининг нормал иқлимдаги ўзгаришларидан кескин

ортиб кетишини юзага келтиришни бартараф қилиш орқали организмдаги функционал тузилмаларни ўзгаришини олдини олиш таъминлаш ҳамда тромблар ҳосил бўлиши натижасида полиорган етишмовчилигларини олдини олишга сабаб бўлувчи профилактик ва даволаш чора-тадбирлари учун фундаментал асос сифатида хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш орқали ташхислашни яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги*: мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 112000 сўм бюджет маблағлари касалликни эрта ташхислаш ҳамда асоратларни олдини олиш, организмнинг кескин шикастланиши натижасида юзага келган ўзгаришларни тиклаш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети кўрсатиб берилган, республика фан ва технологияларини ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик, тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гипертиреоз ривожланишининг этиологик ва патогенетик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, унда ечилиши лозим бўлган муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга адабиётларда келтирилган нормал иқлим шароитида ривожланувчи гипертиреозда юзага келадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар ҳамда гемостаз тизими, уларнинг корреляцияланиши ҳақидаги маълумотлар шарҳи хулосаси қисқача келтирилган.

Диссертациянинг «**Иссиқлик шароитида ривожланувчи гипертиреозда қон ивиш тизими ва реологик хусусиятларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби уч босқичда олиб борилган. Биринчи босқичда тажриба ҳайвонлари танланган, ССВ ҳузуридаги Этик қўмитадан лаборатория ҳайвонларида тажрибалар ўтказиш учун ёзма рухсатнома олинган, лаборатория ҳайвонлари гуруҳларга

тақсимланган, гуруҳлар бир бирига репрезентатив бўлган, тадқиқотлар рандомизацияланган бўлган. Иккинчи босқичда лаборатория ҳайвонлари гуруҳларига қараб, тажрибаларга жалб этилган. Учинчи босқичда тажрибалар якунланган, бунинг учун каламушларда Л-тироксин ёрдамида гипертиреоз модели чақирилиб, иссиқ иқлим ($42^{\circ}\text{C}\pm 1$) таъсир этирилган, кейин эса этик тамойилларга риоя қилган ҳолда жонсизлантирилган, таҳлиллар учун қон, морфологик текширишлар учун қалқонсимон беzi бўлакчалари олинган. Тажрибалар тугагач, барча жонсизлантирилган лаборатория ҳайвонлари утилизация қилинган. Тажрибани бажариш жараёнида биологик хавфсизлик қоидалари ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига қатъий риоя этилган. Шундан сўнг олинган маълумотлар тизимланган, статистик ишланган, талқин ва таҳлил қилинган. Натижалар тегишли жадваллар, диаграммалар кўринишида тайёрланган, ёзилган, диссертация ҳолатига келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар учун 130-180 г оғирликдаги оқ зотсиз эркак каламушлар танланди. Барча лаборатория ҳайвонлари битта виварийдан олинган ва бир-хил ёшда бўлган. Ушбу вояга етган (3 ойлик) оқ зотсиз эркак каламушлар термометр қўйилган ва вақти-вақти билан шамоллатиб туришга мўлжалланган махсус хонадан фойдаланилди. Бунда тадқиқот ҳайвонларга доимий куннинг бир хил вақтида (соат 15.00 дан 18.00 гача) гипертермик таъсир этирилди. Лаборатория ҳайвонлари стандарт виварий озиқ-овқат рационини тузишда Н.А.Нуралиев ва ҳаммуал. (2016) услубий қўлланмасида кўрсатилган тавсиялардан келиб чиқилган. Лаборатория ҳайвонларини сақлаш, жонсизлантириш ва анатомик ёришда барча биологик хавфсизлик қоидалари ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига қатъий риоя қилинган.

Олинган материални статистик қайта ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида «Excel» дастуридан фойдаланиб, амалга оширилган. Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш қуйидаги параметрларни ҳисоблаш билан амалга оширилди: ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик хато (m), Фарқлар аҳамияти Фишер-Стьюдент мезони бўйича (P) аниқланган. Агар эҳтимоллик даражаси $P < 0,05$ бўлса, кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишонарли, деб ҳисобланган. Статистик ишлов «Pentium IV» процессорлари асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **«Иссиқ иқлим шароитида ривожланувчи тажрибавий гипертиреоз динамикасида қон шаклий элементлари микдорий ўзгаришларнинг тавсифи»** деб номланган учинчи бобида тажриба учун олинган асосий ва назорат гуруҳидаги оқ зотсиз эркак каламушларда иссиқ иқлим шароитида ривожланувчи тажрибавий гипертиреозда 1-кун текширилганда хужайралар таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, интакт гуруҳ ҳайвонларда эритроцитлар сони $6,73 \pm 0,20 \times 10^{12} / \text{л}$, лейкоцитлар $8,26 \pm 0,51 \times 10^9 / \text{л}$, тромбоцитлар $369 \pm 35 \times 10^9 / \text{л}$. Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида ҳайвонларни сақлашда худди шу параметрлар мос равишда 17,1% га юқори бўлган, 16,8% ва 16,5% (1-жадвал).

Ушбу натижалар атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати таъсирида қоннинг сезиларли даражада қуюқлашишини кўрсатади.

1- жадвал

Тажрибавий гипертиреозда қон шаклий элементалари ўзгариши (тадқиқотнинг 1-қуни)

Кўрсаткичлар	Интакт 17-24 °С	17-24 °С + Л- тироксин	Назорат 42 °С ±1	42 °С ±1 + Л- тироксин
Эритроцитлар 10 ¹² /л	6,73±0,20	7,31 ±0,08	7,88±0,03	8,01±0,02*
Лейкоцитлар 10 ⁹ /л	8,26±0,51	10,20±0,31*	9,65±0,24*	15,27±0,03**
Тромбоцитлар х 10 ⁹ /л	369±35	462±51	430±32	656±65**
Умумий оқсил г/л	69.1±0,5	71,3±0,5*	76,7±0,7*	79.4±0,8**

Изоҳ: * - интакт гуруҳларга нисбатан фарқларнинг ишончилиги. ** - назорат билан солиштирганда фарқларнинг ишончилиги.

Экспериментал гипертиреозда қоннинг шаклий элементларининг текширилган параметрлари аниқ ўсиш тенденциясига эга эди. Шундай қилиб, нормал ҳарорат шароитида ривожланган гипертиреозда эритроцитлар сони интакт ҳайвонлар гуруҳига нисбатан 8,6% га ошди ва $7,31 + 0,08 \times 10^{12}/л$ ни ташкил этди. Лейкоцитлар ва тромбоцитлар сони сезиларли даражада 23,5% ва 25,2% га ошди. Қоннинг умумий оқсиллар миқдори интакт гуруҳларда 69,1 г/л тенг эканлиги кузатилди. Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида тажриба ҳайвонларни сақлашда худди шу параметрлар мос равишда 14,9% га ошиб 79,4 г/л га тенг эканлиги кузатилди.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати фонида юзага келган гипертиреоз қондаги тромбоцитлари сонига аниқроқ таъсир кўрсатди, унинг қиймати $656 \pm 65 \times 10^9/л$ ни ташкил этди. Бу кўрсаткич интакт гуруҳ ҳайвонларнинг тегишли параметридан 77,8% га, назорат параметрларидан 52,6% га ошди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, назорат гуруҳи ва юқори атроф-муҳит ҳарорати фонида келиб чиққан гипертиреоз билан касалланган ҳайвонлар гуруҳи ўртасида эритроцитлар сони кўрсаткичларида ҳам сезиларли фарқ қайд этилган.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳароратига қараб экспериментал гипертиреоз билан касалланган ҳайвонларда гемостазиологик реакцияларнинг тенгсизлигини кўрсатади. Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида экспериментал гипертиреознинг ривожланиши қоннинг шаклий элементлари таркибининг сезиларли даражада ошиши ва тромбоцитларнинг прокоагуляцион фаоллигининг сезиларли даражада ошиши билан тавсифланади.

Гипертиреоз модели олингандан сўнг 7-кунда қон наъмуналари текширилганда экспериментал ҳайвонларнинг қон ҳужайралари таркибини, интакт гуруҳ ҳайвонларда эритроцитлар сони $6,73 + 0,20 \times 10^{12} / л$, лейкоцитлар $8,26 + 0,51 \times 10^9/л$, тромбоцитлар $369 \pm 35 \times 10^9 / л$. Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида ҳайвонларни сақлашда худди шу параметрлар мос равишда 20,35% га юқори бўлган, 19,5% ва 20,9% (2-

жадвал). Ушбу натижалар атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати таъсирида қоннинг сезиларли даражада қуюқлашишини кўрсатади.

2-жадвал

**Тажрибавий гипертиреозда қон шаклий элементалари ўзгариши
(тадқиқотнинг 7-қуни)**

Кўрсаткичлар	Интакт 17-24 °С	17-24 °С + Л- тироксин	Назорат 42 °С ±1	42°С ±1+ Л- тироксин
Эритроцитлар 10 ¹² /л	6,73±0,20	7,58 ±0,08	8,1±0,03	8,4±0,03*
Лейкоситлар 10 ⁹ /л	8,26±0,51	10,7±0,31*	9,87±0,24*	17,3±0,04**
Тромбоцитлар х 10 ⁹ /л	369±35	503±51	446±32	705±68**
Умумий оксил г/л	69,1±0,5	74,3± 0,6*	78,6± 0,8*	85,5±0,9**

Изоҳ: * - $p < 0,05$ интакт гуруҳларга нисбатан фарқларнинг ишончилиги. ** - $p < 0,05$ назорат билан солиштирганда фарқларнинг ишончилиги.

Экспериментал гипертиреозда қоннинг шаклий элементларининг текширилганда параметрлари аниқ ўсиш тенденциясига эга эди. Шундай қилиб, нормал ҳароратда юзага келган гипертиреоз каламушларда эритроцитлар сони интакт ҳайвонлар гуруҳига нисбатан 12,6% га ошди ва $7,58 \pm 0,08 \times 10^{12}/л$ ни ташкил этди. Лейкоцитлар ва тромбоцитлар сони сезиларли даражада 29,5% ва 36,3% га ошди. Қоннинг умумий оксиллар миқдори интакт гуруҳларга нисбатан 7,5 % га ошиб 74,3 г/л ташкил этди. Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитида юзага келган гипертиреоз тажриба ҳайвонларда худди шу параметрлар интакт гуруҳдаги кўрсаткичлардан мос равишда 23,7% га юқорилиги ҳамда 85,5 г/л эканлиги аниқланди. Юқори атроф-муҳит ҳарорати фонида юзага келган гипертиреоз ҳолати қондаги тромбоцитлар сонига аниқроқ таъсир кўрсатди, унинг қиймати $705 \pm 68 \times 10^9/л$ ни ташкил этди. Бу кўрсаткич интакт гуруҳ ҳайвонларнинг тегишли параметридан 91% га, назорат параметрларидан 58,1% га ошди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, назорат гуруҳи ва юқори атроф-муҳит ҳарорати фонида келиб чиққан гипертиреоз билан касалланган ҳайвонлар гуруҳи ўртасида эритроцитлар сони кўрсаткичларида ҳам сезиларли даражада фарқ қайд этилти.

Диссертациянинг «Иссиқ иқлим шароитидаги тажрибавий гипертиреоз динамикасида гемостаз тизими тромбоцитлар ва коагуляцион омиллари ўзгаришларини ҳамда қон реалогик хусусиятларини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида тажрибада кузатилган гемостаз параметрлари кузатув даврларидаги таҳлил натижалари баён қилинган. Меъёрий birlik сифатида интакт гуруҳи ҳайвонларида гемостаз тизими параметрлари олинди.

1. Тромбоцитлар микроагрегацияси кўрсаткичлари:

- 10-2 – 15,2 сон. ва 10-6 – 32,6 сон. ларни ташкил қилиб, мос равишда шу муддатдаги назорат гуруҳи ҳайвонларидан 17,4% ва 16,8% ларга қисқарганлиги малум бўлди.

2. АҚТВ индекси плазма омиллари (I, V, VIII, IX, X, XI, XI ва фибриноген) концентрациясига боғлиқ қон коагуляциясининг ички омиллари самарадорлигини баҳолашга имкон беради. У 33,9 сон.ни ташкил қилиб, назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан – 12,2 % га қисқарганлиги аниқланди.

3. ПТИ (111%) тадқиқот гуруҳида назорат гуруҳи ҳайвонларига солиштирилганда 73,4 % гача ортганлигини кўришимиз мумкин.

4. Қон ивиш реакцияларининг бутун каскадини тезда баҳолашга имкон берадиган ПТВ кўрсаткичи тадқиқот ҳайвонларида (10,3 сон.) назорат гуруҳи каламушларига нисбатан сезиларли даражадаги фарқлар юзага келди (27,5% қисқарди).

5. ХНН (ҳалқаро нормалланган нисбат) кўрсаткичи қийматида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди: ушбу қиймат - 0,95 га тенг бўлиб, назорат гуруҳи ҳайвонларидан 26,3 % га камайганлигини кўришимиз мумкин.

6. Тромбин вақти (ТВ) эса назорат гуруҳи кўрсаткичи (17,8 сон.) дан 28,6% га камайган, яъни 12,7 сонияни ташкил қилганлиги малум бўлди.

7. Плазма фибриногени (ПФ) миқдори аниқланганда назорат гуруҳи каламушларига нисбатан тадқиқот гуруҳи ҳайвонларида – 86,3% га ошганлиги ва 3,39 г/л гача етганлиги кузатилди.

Ушбу ўзгаришлар тадқиқот динамикасида ривожланиб бориб, тажрибавий гипертиреоз чақирилгандан сўнг 7-кунда гемостаз тизимининг барча кўрсаткичлари яққол гиперкоагуляцияни намоён қилди.

Гемостазнинг юқоридаги кўрсаткичлари тадқиқот динамикасида кузатилганда уларнинг 7-кунига келиб назорат гуруҳи ҳамда тадқиқотнинг бошланғич муддати кўрсаткичлари билан таққослаб кўрилганда сезиларли ўзгарганлиги аниқланди:

1. Тромбоцитлар микроагрегацияси - 10-2 – 14,2 сон. ни ташкил қилиб, бу интакт гуруҳи кўрсаткичлари (18,4 сон.) дан 22,8 %га ва тадқиқотнинг 1-куни (15,2 сон.) дан 6,6% га ва 10-6 – 30,4 сек. бу эса интакт гуруҳидан 22,4% га (39,2 сон.) ҳамда тадқиқотнинг 1-куни дан 6,7 % (32,6 сон.) га камайганлиги аниқланди.

2. АҚТВ вақти аниқланганда унинг динамикада пасайиб бораётганлиги кузатилди (29,6 сон.) ва у интакт гуруҳи (38,6 сон.) дан 23,3% гача ҳамда тадқиқотнинг 1-куни (33,9 сон.) дан 12,7% гача камайди.

3. Протромбин индекси (ПТИ - 120%) нинг динамикада интакт гуруҳидан 87,5% га ва тадқиқотнинг 1-куни (111%) дан 8,1% ортганлиги кузатилди.

4. Протромбин вақти (ПТВ) эса аксинча, камайиб борганлиги (9,9 сон.) кузатилиб, интакт гуруҳи билан солиштирилганда 30,3% ва тадқиқотнинг 1-кунидан 3,9% гача камлиги аниқланди.

5. ХНН халқаро бирликдаги кўрсаткичи (МНО) 0,91 ХБ ташкил қилди. Бу интакт гуруҳи хайвонларидан 29,4% ва тадқиқотнинг 1-кунидан 4,2% га паст эканлиги аниқланди.

6. ТВ нинг эса тадқиқот динамикасида камайиши кузатилиб (12,2 сон.), интакт гуруҳи хайвонларидан 31,5% га ҳамда тадқиқотнинг 1-кунидан тахминан 3,9% га камайганлиги аниқланди.

7. Плазма фибриногени (ПФ) миқдори эса ортиб бориб, 4,37 г/л га етди. Бу ўз навбатида интакт гуруҳидан 140,1% ҳамда тадқиқотнинг 1-кунидан 28,9% гача юқори эканлигини кўрсатади.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегациясининг ўзгариши динамикаси текширувнинг 1-кунидан нормал ҳарорат шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегацияси 8,2+0,6% ни ташкил этди, бу интакт гуруҳ қийматлардан 9,3% юқори. Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреоз хайвонлар интакт гуруҳи натижаларидан сезиларли даражада, тегишли қийматидан 17,3% гача ошиши кузатилди.

Юқори атроф-муҳит ҳарорати хайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатди. Тромбоцитларнинг спонтан агрегация даражаси фақат асосий интакт гуруҳ қийматларидан 17,3% га ошди (3-жадвал). 7-кунидан нормал ҳарорат шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегацияси 8,4+0,6% ни ташкил этди, бу интакт гуруҳ қийматлардан 12,0% юқори. Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреоз хайвонларда интакт гуруҳи натижаларидан сезиларли даражада, тегишли қийматидан 22,7% гача ошиши кузатилди. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳароратига қараб тажрибавий гипертиреозли хайвонларда гемостазиологик реакцияларнинг бир хиллигини кўрсатади. Тажрибавий гипертиреознинг ривожланиши, юқори атроф-муҳит ҳарорати шароитида тромбоцитларнинг прокоагуляцион фаоллигининг янада аниқ ўсиши билан тавсифланди. Иссиқ иқлим шароитида ривожланган гипертиреоз шароитларида қоннинг прокоагуляцион хусусиятидаги ўзгаришлар динамикаси маълум қизиқиш уйғотди. Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари, атроф-муҳитнинг ҳар хил ҳароратида тажрибавий гипертиреозда гиперкоагуляцияни таъминлайдиган баъзи омиллар шуни кўрсатдики, оптимал ҳароратда хайвонлар қонининг коагуляцион хусусиятидаги ўзгаришлар қонда тромбоцитлар сонининг кўпайиши билан тавсифланди.

Тромбоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан) агрегация даражаси иссиқ иқлим шароитида ривожланган гипертиреоз каламушларда 1-кунда асосий интакт гуруҳ қийматларидан 17,3% га 7-кунда эса 22,7% га ошганлиги кузатилди.

Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда тромбоцитлар индуцирланган агрегациясининг динамикада ўзгариши. Нормал ҳароратда ривожланган тажрибавий гипертиреоз модели олинган каламушлар гуруҳларида 1-кунда АДФ ёрдамида индуцирланганда

тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичи $33,2 \pm 2,7\%$ гача сезиларли даражада ошди, яъни интакт гуруҳ ҳайвонларнинг тегишли қийматидан ($26,2\%$) юқори эди. Юқори атроф-муҳит ҳарорати шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда ҳайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўрганилган барча гуруҳларга нисбатан индуцирланган агрегация даражаси сезиларли даражада ошди. Шундай қилиб, ушбу ҳайвонлар гуруҳида индуцирланган агрегация атроф-муҳит ҳарорати $17-24^{\circ}\text{C}$ да келиб чиққан гипертиреозли ҳайвонларнинг тегишли кўрсаткичидан $53,9\%$ га ошиб кетди ва $51,1 \pm 4,1\%$ ни ташкил этди.

Тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳароратига қараб тажрибавий гипертиреозли ҳайвонларда гемостазиологик реакцияларнинг бир хиллигини кўрсатади. Иссиқ иқлим шароитида ривожланадиган гипертиреоз шароитларида қоннинг прокоагуляцион хусусиятидаги ўзгаришлар динамикаси маълум даражада ўзгарганлиги кузатилди. Тадқиқотларимиз натижалари, нормал ҳароратдаги интакт гуруҳ ҳайвонлар қонининг коагуляцион хусусиятларининг ўзгариши тромбоцитларнинг агрегация қилиш қобилиятининг $26,3\%$ га тенг эканлиги билан тавсифланди. Юқори атроф-муҳит ҳарорати шароитида ривожланган экспериментал гипертиреозда шунини таъкидлаш керакки, тромбоцитларни индуцирланган агрегацияси интакт гуруҳга нисбатан кескин ошди ($94,3\%$ га). 7-кунда эса нормал ҳароратда ривожланган тажрибавий гипертиреоз модели олинган каламушлар гуруҳларида $35,2 \pm 2,7\%$ ташкил этиб интакт гуруҳдан $33,8\%$ гача сезиларли даражада ошди. Юқори атроф-муҳит $42^{\circ}\text{C} \pm 1$ ҳарорати шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреозда ҳайвонларнинг қон ивиш омилларига сезиларли таъсир кўрсатди. Ўрганилган барча гуруҳларга нисбатан индуцирланган агрегация даражаси сезиларли даражада ошди. Шундай қилиб, ушбу ҳайвонлар гуруҳида индуцирланган агрегация атроф-муҳит ҳарорати $17-24^{\circ}\text{C}$ да келиб чиққан гипертиреозли ҳайвонларнинг тегишли кўрсаткичидан $63,1\%$ га ошиб кетди ва $57,4 \pm 4,3\%$ ни ташкил этди.

Ўрганилган барча гуруҳларга нисбатан индуцирланган агрегация даражаси сезиларли даражада ошди.

Экспериментал гипертиреозда қон реалогик ўзгаришларининг динамикада тавсифи. Қон оқимининг силжиш тезлигини ва уни ўрганиш экспериментал гипертиреозда динамик ёпишқоқликни ўрганиш қон оқимида қўлланиладиган босимнинг деярли барча қийматларида сезиларли ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатди.

Қўлланиладиган деярли барча қийматлар учун қон босими оқими гипертиреоз чақирилган ҳайвонларда 1-кунида интакт гуруҳга нисбатан нормал ҳароратдаги тажриба ҳайвонлар гуруҳида оқимнинг силжиш тезлиги қўлланиладиган босим миқдори 2 мм бўлган сув.уст. да $8,97 \pm 0,74$ с–1 га ҳамда босим миқдори 16 мм бўлган сув.уст. да $101,43 \pm 6,22$ с–1 га тенг эди, бу мос равишда интакт гуруҳ қийматларидан $40,6\%$ ва $8,03\%$ паст эди. Шунга кўра, чизикли тезлиги ўзгарди ва қоннинг динамик ёпишқоқлиги ошди. Босим 2 мм сув.уст. да қоннинг ёпишқоқлик $34,5\%$ га $11,58 \pm 1,04$, 16 мм

сув.уст. да эса динамик ёпишқоқлик 25,2% га ошди ва $2,93 \pm 0,13$ га ўзгарганлики кузатилди. Тажрибавий гипертиреоз олинган каламушларда 7-кунида қоннинг реологик хусусиятларининг ўрганилган параметрларини бузулиши ёмонлашишда давом этди. Минимал босим қийматларини қўллашда чизикли тезлиги $7,21 \pm 0,41$ с-1 га тенг ва максимал қийматларда — $97,69 \pm 5,68$ с-1, мос равишда 52,2% ва 11,4% тегишли қийматлардан камайганлиги кузатилди. Қоннинг динамик ёпишқоқлиги бузилиши ҳам ёмонлашишда давом этди (3-жадвал).

3-жадвал

Тажрибавий гипертиреозда қон қовушқоқлиги динамикаси ($M \pm m$)

Тажриба гуруҳлар		Қон оқимига қўлланиладиган босим миқдори босим, мм. сув. уст.				
		2 мм. сув. уст.	4 мм. сув. уст.	8 мм. сув. уст.	12 мм. сув. уст.	16 мм. сув. уст.
Интакт гуруҳ 17-24 °С		$8,61 \pm 0,56$	$6,38 \pm 0,43$	$5,45 \pm 0,25$	$3,81 \pm 0,21$	$2,34 \pm 0,11$
1 кун	17-24 °С +Л-тироксин	$11,58 \pm 1,04^*$	$8,28 \pm 0,56^*$	$6,05 \pm 0,41^*$	$4,54 \pm 0,30^*$	$2,93 \pm 0,13^*$
7 кун		$12,45 \pm 1,07^*$	$8,72 \pm 0,59^*$	$6,44 \pm 0,41^*$	$4,73 \pm 0,32^*$	$3,09 \pm 0,15^*$
1 кун	Назорат гуруҳ 42 ± 1 °С	$11,39 \pm 1,27^*$	$8,02 \pm 0,58^*$	$6,31 \pm 0,46^*$	$4,33 \pm 0,29^*$	$2,49 \pm 0,15^*$
7 кун		$11,96 \pm 1,29^*$	$8,49 \pm 0,61^*$	$6,56 \pm 0,48^*$	$4,54 \pm 0,3^*$	$2,58 \pm 0,16^*$
1 кун	42 ± 1 °С +Л-тироксин	$14,37 \pm 1,41^*$	$10,23 \pm 0,70^*$	$7,53 \pm 0,52^*$	$5,63 \pm 0,32^*$	$3,88 \pm 0,21^*$
7 кун		$15,18 \pm 1,43^*$	$10,91 \pm 0,73^*$	$8,04 \pm 0,55^*$	$6,01 \pm 0,35^*$	$4,22 \pm 0,24^*$

Изоҳ: Ишонarli фарқ ($P < 0,05$); а интакт гуруҳдан, б - назорат гуруҳдан.

Иссиқ иқлим шароитида сақланган назорат гуруҳ каламушларда қоннинг хусусиятлари. 1-куни 2 мм сув.уст. босими қўлланилганда қоннинг чизикли тезлиги $9,06 \pm 0,73$ с-1 ни ташкил этди, бу интакт хайвонлар гуруҳи қийматларидан 39,9% пастлиги, қоннинг ёпишқоқлики эса $11,39 \pm 1,27$ ташкил этиб 32,3% га ортганлики кузатилди. 16 мм сув.уст. да эса чизикли тезлиги 5,5% га пасайиб $104,27 \pm 6,78$ с-1ни динамик ёпишқоқлик 6,4% га ошиб $2,49 \pm 0,15$ га ўзгарганлики кузатилди. Иссиқ иқлим шароитида ривожланган тажрибавий гипертиреоз хайвонларда эксперимент модели олингандан сўнг кейинги даврлари реологик бузилишларнинг ривожланиши билан тавсифланди. 1-куни 2 мм сув.уст. босими қўлланилганда қоннинг чизикли тезлиги $5,22 \pm 0,35$ с-1 ни ташкил этди, бу интакт хайвонлар гуруҳи қийматларидан 65,4% паст. Динамик ёпишқоқлик кўрсаткичлари 66,9% га ошди ва минимал қийматлар зонасида $14,37 \pm 1,41$ ни ташкил этди. Қон оқимига қўлланиладиган босим 16 мм сув босими қўлланилганда динамик ёпишқоқлик 65,8% га ошди ва $3,88 \pm 0,21$ ни ташкил этди. Қоннинг чизикли тезлиги эса $91,27 \pm 5,22$ ни ташкил этиб 17,2% паст. Иссиқ иқлим шароитида ривожланган гипертиреоз ҳамда юқори ҳароратга сақланган назорат гуруҳ хайвонлар гуруҳи билан солиштирилганда 7-куни 2 мм сув.уст. босими қўлланилганда қоннинг чизикли тезлиги $4,06 \pm 0,30$ с-1 ни ташкил этди, бу интакт хайвонлар гуруҳи қийматларидан 73,1% га, юқори ҳароратга

сақланган назорат гуруҳ ҳайвонлар гуруҳидан 45.0% га паст эканлиги кузатилди. Динамик ёпишқоқлик кўрсаткичлари эса 76,3% ва 26,9% га ошди ва минимал қийматлар зонасида $15,18 \pm 1,43$ ни ташкил этди.

4-жадвал

Тажрибавий гипертиреозда қон силжиш тезлиги динамикаси ($M \pm m$), c^{-1}

Тажриба гуруҳлар		Қон оқимиға қўлланиладиган босим миқдори босим, мм. сув. уст.				
		2 мм. сув. уст.	4 мм. сув. уст.	8 мм. сув. уст.	12 мм. сув. уст.	16 мм. сув. уст.
Интакт гуруҳ 17-24°C		$15,09 \pm 0,85$	$30,41 \pm 1,51$	$53,12 \pm 2,75$	$72,06 \pm 5,48$	$110,29 \pm 6,75$
1 кун	17-24°C +Л-тироксин	$8,97 \pm 0,74^*$	$22,55 \pm 1,38^*$	$38,03 \pm 2,68^*$	$60,17 \pm 3,38^*$	$101,43 \pm 6,22^*$
7 кун		$7,21 \pm 0,41^*$	$18,29 \pm 1,55^*$	$34,62 \pm 3,09^*$	$58,32 \pm 3,51^*$	$97,69 \pm 5,68^*$
1 кун	Назорат гуруҳ 42± 1 °C	$9,06 \pm 0,73^*$	$24,28 \pm 1,59^*$	$40,52 \pm 3,11^*$	$63,60 \pm 3,58^*$	$104,27 \pm 6,78^*$
7 кун		$7,38 \pm 0,44^*$	$21,58 \pm 1,57^*$	$37,57 \pm 3,15^*$	$61,40 \pm 3,55^*$	$99,37 \pm 5,76^*$
1 кун	42± 1 °C +Л-тироксин	$5,22 \pm 0,35^*$	$14,35 \pm 1,14^*$	$29,57 \pm 2,33^*$	$51,31 \pm 3,70^*$	$91,27 \pm 5,22^*$
7 кун		$4,06 \pm 0,30^*$	$11,27 \pm 1,11^*$	$23,02 \pm 2,30^*$	$45,23 \pm 3,68^*$	$83,39 \pm 5,07$

Изоҳ: Ишонарли фарқ ($P < 0,05$); а интакт гуруҳдан, б- назорат гуруҳидан.

